



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА «ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК» МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийлари!

Хурматли Федерика Могерини хоним!

Хурматли ташқи ишлар вазирлари ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон халқи номидан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Ушбу анжуманда иштирок этаётганингиз учун сизларга чуқур миннатдорлик билдираман ва меҳмондўст ўзбек заминда сизларни кўриб турганимдан гоҳ хурсандман.

Бугунги конференция Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Маъмур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш бўйича олиб борилаётган сўй-ҳаракатларнинг мантикий давомидир.

Форумда шахсон иштирок этаётгани учун Президент Мухаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийлари алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Шунингдек, халқаро конференция ўтказиш бўйича бизнинг ташаббусимизни аввал-бошдан қўллаб-қувватлаган

ва барча қатнашчиларга ўзининг табриқ хатини йўллаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби жаноб Антониу Гутерришга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Биз жаноб Антониу Гутерришнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнлари доирасида музокаралар ўтказиш тарафдори эканини, шунингдек, минтақамизда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги сўй-ҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Шу йилнинг январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Қозғоғистон раислигида Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича фикр алмашувлар бўлиб ўтган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Қозғоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбаевга ана шу ўта муҳим муаммони муҳокама этиш бўйича кўрсатган ташаббуси учун самимий ташаккур билдираман.

Шунингдек, бўлиб ўтган муҳокама-лар чоғида билдирган зарур ва қимматли таклифлари учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзоларидан миннатдорман. Бу таклифларнинг катта қисми ушбу конференциянинг афғонистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда тайёрланган яқиний ҳужжати лойиҳаси — Тошкент декларациясида ҳисобга олинди.

Шу билан бирга, бугунги анжуманда иштирок этаётган:

— Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини хонимни;

— Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ташқи сиёсат маҳкамалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини чин қалбимдан қутлашдан гоҳт мамнунман.

Бугун ушбу залда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатлар ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари тўплагани алоҳида таъкидламоқчиман.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Биз шу кунларда баҳор ва янгилашни байрами бўлган Наврўз айёмини кенг нишонламоқдамиз. Азал-азалдан бу фаслда уруш-жанжаллар тўхтатилган, одамлар эски гина-қудуратларини унутиб, бир-бирини кечирган ва ҳатто энг мураккаб, ҳал этиб бўлмайдигандек туюлган масалалар бўйича ҳам қилишиб, ҳамжиҳатликка эришган.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда карантиндаги зарарли организмлар Ўзбекистон ҳудуди-га кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлаш, шунингдек, ўсимлик ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай шароитда хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касаллиги, бегона ўтлардан республика ҳудудининг ишончли ҳимоясини таъминловчи ички ва ташқи ўсимликлар карантини бўйича давлат тадбирларининг самарали тизимини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг мамлакат ичида тарқалишига йўл қўймаслик борасидаги ишларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг аҳолини ўрганиш фито-санитар хавфсизлиқни тўлақонли таъминлашга ҳамда чет эл мамлакатлари, компания ва корпорациялар билан ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришга, экспорт салоҳиятини ошириш, маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини аниқлади.

Ўсимликлар карантини соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро нормалар

ва қоидаларга мувофиқлаштириш юзасидан фаол ишлар олиб борилаётгани, бунинг натижасида хорижий ҳамкорлар томонидан маҳаллий маҳсулотларнинг ўрнатилган стандартларга мувофиқ эмаслиги ўз давлатларининг бозорларига олиб кирилишини рад этиш ҳолатлари қайд этилмоқда ҳамда чет элдан молиявий ва грант маблағларини жалб этиш жараёни мураккаблашмоқда.

Республика минтақаларида ҳозирги кунга қадар экспортга жўнатиладиган ҳамда карантин зараркунандалари, ўсимликлар касалликлари, бегона ўтлар ташувчиси бўлиши мумкин бўлган чет давлатлардан олиб кириладиган уруғлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни карантин текшируви ва экспертизадан ўтказиш бўйича лабораториялар мавжуд эмас.

Ўсимликлар карантини соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас, бунинг натижасида мутахассисларнинг касбий маҳоратлари, уларнинг ушбу соҳадаги иш қўнимлари оширилиши таъминланмаётган.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати бўлималарининг заиф моддий-техник таъминоти, улардаги

ҳодимлар, айниқса, жойларда ишловчиларнинг карантин тадбирларини ўтказиш учун зарур ускуналар билан таъминланмагани ҳамда уларнинг молиявий ва ижтимоий таъминоти етарли даражада бўлмаганлиги ўзларига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни самарали ва сифатли бажариш имконини бермайди.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, мамлакатда фитосанитар хавфсизлиқни таъминлаш соҳасида давлат назоратининг ахлит тизимини яратиш мақсадида ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи идораларо ишчи гуруҳ тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 3-бетда)

«ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ—ОММАБОП МАҚОЛА» ТАНЛОВИ ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танлови эълон қилинган эди. Унга 2017 йилнинг 31 декабрга қадар 2016-2017 йилларда республика ҳамда хориж газет ва журналлари, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар қабул қилинди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида танлов маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов бутун фаолиятини, ҳаётини Ватанимиз озодлиги, тинчлиги, халқимизнинг, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi, ўз орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариши учун бахшида қилгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида Биринчи Президентимиз ҳайкаллари қад ростлади. У киши узоқ йиллар фаолият юритган Охсарой қорғоғи ёдгорлик мажмуасига айлантирилди. Тошкент халқаро аэропорти, йирик муассаса ва ташкилотлар, пойтахтимиз ва вилоят марказларидаги марказий кўчаларга Ислам Каримов номи берилди.

«Ислам Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танлови ана шу эгу сўй-ҳаракатларнинг узвий давомидир. Танлов учун ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, француз,

итальян, хитой, немис, япон, араб, корей, озарбайжон, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида эзилган жами 900 га яқин материал юборилган. Уларни адолатли баҳолаш учун танлов ҳайъати таркибига тажрибали мутахассислар, олимлар, тарихчилар, ёзувчилар, журналистлар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Юборилган ишлар, аввало, мақола мавзуси янгилиги ва моҳиятнинг очиб берилгани, мазмунан тарихий ҳақиқатга зид келмаслиги, илмий манбалардан қанчалик фойдаланилгани, шунингдек, илмий ва бадиий савия даражаси ҳисобга олинган ҳолда баҳоланди.

Биринчи ўрин ва танловнинг бош мукофоти «Бошланғич таълим» журналы бош муҳаррири Ҳалим Саидов «Миллат ҳазинасини бойитган мутафаккир» мақоласи учун қўлга киритди. Ҳалим Саидовнинг томонидан маҳсулус диплом ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланди.

Иккинчи ўринни Япония парламентининг қўриқ палатаси депутати, «Япония — Ўзбекистон» дўстлик уюмаси президенти Кёко Накаяма ва сиёсий шарҳловчи Набухико Шима, «Нақшбандия» журналы бош муҳаррири Султонмурод Олимов эгаллади. Уларга диплом ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдоридида пул мукофоти топширилди.

Учинчи ўринга эркин ижодкор Мусурмон Бойқонов, Қорақалпоқ давлат университети магистранти Замира Айимбетова ва Санкт-Петербург давлат университети (Россия) талабаси Александр Гонашвили муносиб топилди. Ташкилотчилар томонидан уларга

диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридида пул мукофоти топширилди.

Ҳалим Саидов мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг рафиқаси Т.Каримова топширди.

— Мухтарам Биринчи Президентимиз Ислам Каримов шахсини абадийлаштириш мақсадида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ҳалим Саидов. — Бу инсоннинг ҳаёти, серкирра фаолияти жуда катта тадқиқотларга аризуғулидир. Бу ҳақида ёзиш эса ўта масъулиятли иш. Шундай бўлса-да, мен ҳам баркамол авлод тарбияси, юрт тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган шундай буюк инсоннинг хотирасини абадийлаштириш уммонига кичик томчи қўшишга ҳаракат қилиб кўрдим. Асосий мақсад — бу улуг мутафаккирининг Ватан тараққиётига қўшган ҳиссасини таъкидлаш, авлодларни у бошлаган ишларни муносиб давом эттиришга чорлаш эди.

Бундан ташқари, танлов ташкилотчилари томонидан 20 та рағбатлантирувчи мукофот ҳам таъсис этилди ва муносиб номзодларнинг ишлари танлаб олинди. Уларга Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб чоп этилган «Ислам Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси» номли китоб-альбом совға қилинди.

Тадбирда санъат усталари ва Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Инобат АХАТОВА, ЎзА мухбири.

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА «ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК» МАВЗУСИДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри 2018 йил 26-27 март

Муқаддима

Биз, Тошкент конференцияси иштирокчилари:

1) Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши минтақада барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш ҳамда кўп йиллик зуравонлик ва афғон халқининг азоб-қувватларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканини тасдиқлаймиз. Шу сабабли, биз Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг сўй-ҳаракатлари билан терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро яқин минтақавий ҳамкорлик орқали амалга ошириладиган сиёсий тартибга солиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва шериклик Афғонистон ва бутун минтақада тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этамиз;

2) Биз БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг, жумладан, 2018 йил 19 январь кунин Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича мажлисининг сўнг Афғонистон ва Марказий Осиё ўртасида шакллантирилган янги шерикликка доир резолюцияларни ва қарорларини қўллаб-қувватлаймиз;

3) Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, шунингдек, миллий бирдамлиги, Афғонистон халқи ва ҳукуматининг ўз мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича сўй-ҳаракатларини хурмат қиламиз;

4) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз сўй-ҳаракатлари билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва минтақавий ташаббуслар, жумладан, Афғонистон ҳукумати раҳбарлигидаги Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва зуравонлиқни барҳам бериш бўйича сўй-ҳаракатларига раҳбарлик қилишга қаратилган бош форум ва восита сифатида Қобул жараёнининг муҳимлигини эътироф этамиз;

5) Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини

кенгайтиришга қаратилган сўй-ҳаракатларини, уларнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокчи қўллаб-қувватлаймиз;

6) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз сўй-ҳаракатлари билан тинчлик ва ярашув жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича сўй-ҳаракатларнинг давоми сифатида Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Тошкент конференциясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этамиз.

Тинчлик ва ярашув

7) Миллий Бирдамлик ҳукуматининг толиблар билан кенг қўламли тинчлик келишувига эришиш бўйича пировард мақсад йўлида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаслик асосида «Толибон» билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётган таклифини қатъий қўллаб-қувватлашимизни тасдиқлаймиз ҳамда «Толибон»ни Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз сўй-ҳаракатлари билан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига мувофиқ амалга ошириладиган тинчлик ўрнатиш жараёнига доир ушбу таклифни қабул қилишга қақирамиз;

8) Толиблар билан муносабатларни сиёсий йўл билан ҳал этиш Афғонистонда зуравонликка барҳам беришнинг энг мақбул йўли экани, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва «Толибон»нинг мurosасоз вакиллари ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларини ўтказиш зарурати мавжудлигини қайд этамиз;

9) Афғонистон ҳукуматининг «Толибон» билан тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш бўйича сўй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимизни тасдиқлаймиз ҳамда Қобул жараёнини Афғонистон бўйича бошқа минтақавий ва халқаро тинчликпарвар ташаббуслар билан бир қаторда бош форум ва вosита сифатида эътироф этамиз;

(Давоми 2-бетда)

«Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтакавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси кунлари матбуот марказида ўтган тадбирлар пайтида афғонистонлик тўрт нафар талаба журналистлар диққат-этиборида бўлди. Улар Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида ўқиётган ёшлар эди. Конференция муносабати билан улар Афғонистон ёшлари вакиллари сифатида Тошкентга таклиф этилганди. Конференциядан сўнг улар ўз устозлари билан бирга таҳририятимиз меҳмони бўлишди.



АФҒОНИСТОНЛИК ЁШЛАР ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

ТИНЧЛИК ОРЗУСИ



Асадилло АЗИЗИЙ,
Афғонистон фуқароларини
ўқитиш таълим маркази
талабаси:

— Саъдий Шерозий бир асарида ер юзидаги инсонларнинг бир одам танасига қийналади. Агар кишининг бирор аъзоси оғирса, бутун вужуди азобланишини айтади. Шунинг учун бир инсон дарди башариёт ҳаётига таъсир қилиши чиройли тарзда ифодаланган. Афғонистонни бир неча йиллардан буён қийнаётган муаммо ҳам барча бирдек таъшишга солиши керак, деб ҳисоблайман.

Афғон ҳукмати доимо толибонлар билан муросяга келишга ҳаракат қилади. Президентимиз байрамларда, ҳайит кунларида толибонларга қарата бир-биримизга қўйишимизни очайлик, ярашайлик, деб мурожаат қилади. Толибонлар бу таклифни бир неча шарт эъзизига қабул қилишни билдиришган. Ўзбекистон Президентини ҳам конференцияда сўзлаган нутқида шу масалага алоҳида эътибор қаратди. У афғон халқи дардига дунё мамлакатлари раҳбарлари эътиборини қаратмоқда. Келишув борасида ҳар қандай қўмакка ҳозирлигини билдирди.

Жуда таъсирландим, қувондим, бошим осмонга етди. Негаки, юртимизнинг кўпгина гўшаларида вайронгарчилик, болалар ота-онасидан эрта етим қолади. Уларда хотиржам кайфиятда таълим олиш имконияти йўқ.

Ушбу чақириққа жавобан биз Афғонистон халқи, миллатимиз ва қайси ҳудуддан бўлишимиздан қатъий назар, уруш, кўпоровчилик етар энди, деб бир-биримизга мадад бўлишимиз, юртимиз келажаги учун бирдамликка эришишимиз зарур.

Бугунги кунгача афғон диёрида тинчликни таъминлаш мақсадида бир неча бор халқаро конференция ўтказилган. Олий даражадаги Тошкент халқаро конференциясининг олдинчиларидан фарқи шундаки, бу анжуманда дунёда ўз сўзида эга бўлган давлатлар вакиллари иштирок этди. Энг муҳими, фикрлар, манфаатлар муштарак келди.

Оилада 7 қиз, 2 ўғилмиз. Ҳа ҳақ бўлган давлатлар вакиллари иштирок этди. Энг муҳими, фикрлар, манфаатлар муштарак келди.

билан Афғонистон Президентлари келишуви, яратган имконияти туфайли Ўзбекистонга ўқишга келдим. Бўямаса камбағал бир оила боласи бўлган менга асло ўқиш насиб этмасди.

Афғонистон деганда кўпчилик ўқ товушлари, портлашлар доим эшитилиб турувчи жойини тасаввур қилади. Аслида айрим ҳудудларимизда, яъни Бадахшон, Кундуз, Бағлон, Жузжон каби 9 вилоятда бошқа жойларга нисбатан тинчроқ ҳаёт ҳукм қуради. Афсуски, бошқа вилоятларнинг тақдири қоронғулик ичида қолган. Фарзандлар уйдан чиқар экан, оналари билан хайрлашиб, ризолик сўрайди. Чунки унинг оиласига қайтиши даргумон. Демакки, ҳаёт тарзи ҳам режаларсиз, орзу-мақсадларсиз, шунчаки яшаб қолишга ҳаракатдан иборатдир. Бу эса инсон қалбини ларзага келтиради, урушга нисбатан нафратни уйғотади.

Ўзбекистонга келиб билдимки, урф-одат, аъёналаримиз, қадриятларимиз жуда ҳам ўхшаш экан. Байрамларимиз ҳам бир-бирига ўхшайди. Чунки биз бир аҳдоднинг авлодларимиз.

Бизни умумий тарих боғлаб турибди. Бир дарё ажратгани билан қалбдан яқинлик, бирдамлик ҳеч қачон бизни тарк этмасин. Тошкентда бўлган кунларимиз кўпни-қўлга бериб, тинчлик сари ягона мақсад йўлида олдинга қадам ташлайлик, деган ҳулосани англадим ва кучим борича ана шу мақсад сари қурашаман.



Асила НОИБЗОДА,
Афғонистон
фуқароларини ўқитиш
таълим маркази
талабаси:

Оилада беш нафар фарзандимиз. Отам кишлоқ ҳўжалиги бўйича мутахассис. Онам ўқитувчи. Болалигимдан уларга ҳавас қилиб, университетда тахсил олишни, қўшимча тўғаракларга қатнашни истардим. Юртимиздаги нотинчлик сабаб ҳатто қизлар кўчада ёлғиз юролмайдими. Шунинг учун мен ҳам қўшимча касбуна эътибор бердим.

Орзуларимдан бири Тошкентни кўриш эди. Оддий оиланинг фарзанди бўлганим учун бу менга қўл етмасдек туюларди. Тошкентга келишга на имкониятим, на маблағим бор эди. Ўзимга-ўзим Ўзбекистон қаерда-ю, сен қаердасан, дердим. Бу орзу армон бўлиб қолади, деб ўйлардим. Шукурки, орзуларимга эришдим. Нафақат Ўзбекистонни кўриш, балки бу ерда ўқиш имконига ҳам эга бўлдим.

Буларнинг барчаси учун Ўзбекистон Президенти ҳамда Афғонистон Президентидан миннатдорман.

Сурхондарёда Наврўз байрамида қатнашдик. Тошкентга келиб, диққатга сазовор жойларда бўлдик. Ўйга қайтгач, хайрли сафарим ҳақида оила аъзоларимга айтиб бераман.

Конференцияда Ўзбекистон Президенти Афғонистонда таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус халқаро фонд ташкил этиш таклифини билдирди. Бундан жуда ҳам миннатдор бўлдик. Бу ташаббус амалга охса, юртимизда қўллаб-қувватлаш таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус халқаро фонд ташкил этиш таклифини билдирди. Бундан жуда ҳам миннатдор бўлдик. Бу ташаббус амалга охса, юртимизда қўллаб-қувватлаш таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус халқаро фонд ташкил этиш таклифини билдирди.

Яна шунинг зўр мамнуният билан айтмоқчиманки, дунёнинг бир қанча мамлакатларида афғонистонлик ёшлар таълим олади. Аммо улар учун алоҳида таълим маркази ташкил этилмаган. Ўзбекистон бизга шундай имкониятни берди. Марказимизда тикувчилик, кулолчилик, спорт, санъат, фан ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича 20 га яқин тўғарак бор. Дам олиш кунлари эътибор қилишга бораемиз. Кейинги ҳафтада яна 35 нафар, ундан сўнг 300 нафар афғон йигит-қизлари сафимизга қўшиллар экан. Бу янгиликдан бошимиз осмонга етди.

Афғонистон ёшлари юртимизда тинчлик ҳукм суришини, оқошталикда таълим олишни, тараққиётга хизмат қилишни истаиди. Ўйламанки, юқори даражадаги халқаро Тошкент конференцияси бундай орзулар ушайиши сари ташланган муҳим қадам бўлди.

вақт давомида кўпроқ билимга эга бўлиш, қамиди беш тилини ўрганишни мақсад қилдик.

Қисқа қилиб айтганда, ўзбек халқи бизни самимий қутиб олди. Бу ерда тахсил олаётганимиздан фойдаланамиз. Конференцияда билдирилган фикрлар натижасида юртимиздаги бошқа тенгдошларимиз ҳам ана шундай бахтга эришишига ишонамиз.

Мени Ўзбекистон Президентининг Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан қўмак бериш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ҳақидаги таклифлари айниса, қувонтирди. Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан Тошкентда ўтган бу нуфузли конференция Афғонистонда тинчликни қарор топтириш йўлида муҳим бир қадам бўлди, деб ўйлайман. Афғонистонда тинчлик ўрнатилса, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилиш имконига эга бўламиз.

Терроризмни молиявий ва моддий техник қўллаб-қувватлашнинг олди олинишига умид қиламиз. Бу бутун дунё умумий хавфсизлиги учун ҳизмат қилади ва ушбу йўлда Ўзбекистондек ҳамкоримиз ҳамда дўстимиз борлигидан бағоятда мамнунимиз.

Шунингдек, суҳбат давомида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази директори Ойбек Рўзиев, директор ўринбосари Тошпўлат Тожев марказ фаолияти ҳақида атрафлича гапирди. Афғон ёшларининг билимга чанқоқлиги, янгиликка интилувчанлиги ҳамда берилган вазифани ўз вақтида пухта бажаришини таъкидлашди.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Махлиё АЛИҚУЛОВА ёзиб олди.

Тўйлардаги ортиқча дабдабозлик, исрофгарчилик анчадан бери халқимизни ўйлантириб келаётган масалалардан бирига айланган.

Кейинги 10-15 йилда тўйларимизда дабдаба, исрофгарчилик, шуҳратпарастлик авжига чиқиб, тўйхоналарда 500-600 кишига дастурхон ёзишлар одат тўсига кириб бораётган эди. Ўзига тўқ, даромади яхши оилалар тўйларни серхашам, дабдабали қилиб ўтказётганини кўрган ёш йигит-қизлар ота-онасининг моддий аҳволини, оила бюджетини ҳисобга олмасдан уларга ҳам шундай ҳашамдор тўй ўтказиб беришларини талаб қилаётганини барчамиз биламиз. Натижада кўп оилалар ўтказган тўйлари туфайли қўлогача қарзга ботиб қолмоқда.

ДАБДАБА ШУҲРАТ КЕЛТИРМАЙДИ, АКСИНЧА...

Кимўзарга бўлаётган тўйларнинг сарполари, қиз томондан қилинадиган сарполарнинг баҳоси ҳам ақлга сизмас даражага етди. Қимматбаҳо кийим-бошлар, уй жиҳозлари, хориж мебелларини харид қилишни ҳаммининг ҳам чўнтаги кўтармайдими. Шу сабабли қудалар орасида кечадиган гап-сўзлар, баҳс-тортишувлар орадаги меҳроқибатнинг, қудадандачиликнинг бўзилишига олиб келмоқда. Оқибатда яхши ниятлар билан оила қуришни, бахтли яшашни орзу қилган ёш келин-қуввонларнинг ҳам муносабатлари дарз кетиб, ҳатто ажримгача сабаб бўлмоқда.

Охириги пайтларда айрим қиз-йигитларнинг ўзбошимчалик билан турмуш қураётган ҳолатлар кузатилаётган экан. Эндигина 16-18 ёшга кирган баъзи қизлар уйдан кетиб, йигит билан оила қуради, ота-онанинг хабари йўқ, орадан биров вақт ўтиб, ноилоҳ қолган қудалар ўзaro қелишиб, қатта сарф-ҳаражатлар билан тўйни ўтказиб берадиларини. Негиз гапларни айтишман? Тўйларимиз ҳақида сўз очилган экан, аввало, бундай ҳолатларнинг ёшларимиз тарбиясида салбий таъсир кўрсатишини англашимиз, азалий қадриятларимиз, бу ҳолат миллий урф-одатларимизга ҳам эканлини биз катталар тушуниш олишимиз лозим. Никонинг муқаддаслиги, оила деган кўрғонни барпо этишда эр-хотин масъулияти катталиги, унга ҳибнат қилиш улкан гуноҳ эканлини англамасдан, турмуш қуриш мумкин эмаслигини фарзандларимиз онгига синдиришимиз шарт, деб ўйлайман.

Биз тўй ва тантаналарни ўтказишдек масъулиятли вазифани ёшлар қўлига буткул топшириб қўйиб, қатта ҳатоларга йўл қўймаймиз деган лозим. Шу маънода, маҳалла фаоллари, ёшлар ўлгоҳи оила-онахоналаримиз халқимиз орасида бўлиб, бу борада кенг тушунтириш ишларини олиб бориши муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Дабдаба ўрнига ихчам, сермазун тўй ўтказилса, тежалган маблағ ҳисобидан ота-оналар сихаттоҳларда дам олиб даволанса, ўз фарзандларини тарихий масканларга саёҳатларга олиб бориб, юртимиз тарихи, улғу аломатлар қадамжолари билан таништириб борсалар, бу зияратлар ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Тўйларимизни чиройли, эсда қоладиган қилиб ўтказишни ташкил этиш мақсадида маҳаллалар ҳузурида тўй комиссияси фаолияти йўлга қўйилса, тўй ва маросимлар ана шу комиссия назорати остида ўтказилса, нур устига нур бўлур эди, деб ҳисоблайман. Хонадон соҳиблари тўйдан олдин шу комиссия маслаҳатини олиб, иш тутса, янада мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўй-маъракалар миллатимизнинг азалий қадриятлари ва аъёналарини намоён этадиган қўзғу экан, уларни юксак маънавий меъзорларга муносиб тарзда ўтказайлик. Бу эзгу ишга ҳамма бирдек бош қўйиши лозим, ҳеч ким ўзини четта олиши, менга бунинг дахли йўқ, деб лўқайд бўлиши мумкин эмас. Зеро, не-не машаққатлари, оғир кунларни бир жону бир тан бўлиб мардларча енгиб ўтган донишманд халқимиз одоб-ахлоқ меъзорида ҳам, муқаддас динимиз талаблари ҳам тўғри келмайдиган исрофгарчилик, шуҳратпарастлик, кибр каби иллатларга барҳам беришга қодир, деб ишонаман.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Республика «Нуроний» жағмарасининг халқимизга мурожаатномасида айтилганидек, тўй ва маросимлар шахсий иш эмас, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор ижтимоий аҳамиятга эга масаладир. Шундай экан, ҳар биримиз ўз ҳудудимизда тўй ва маъракалар, оилавий маросим ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этишимиз лозим. Бу борада тарғибот ва тушунтириш ишлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада қўлайлаштириш келгусида ўзимизнинг фаровонлигимизга, оилаларимиз тотувлигига, энг муҳими, умримиз узийишига туртки бўлади.

Рустам ТўРАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



Абдусалим ФОРУКИЙ,
Афғонистон фуқароларини
ўқитиш таълим маркази
талабаси:

— Бобомнинг болалиги шу юртда ўтган. Шунданми, бу юртга меҳри бўлак эди. Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, доим кўзларим ёшга тўларди. У киши менга сайёх сифатида бўлса ҳам, миндик қони тўкилган жойга боришимни кўп айтарди. Мен эса бобо, Худо хоҳласа, ота юртингизга, албатта, таълим олиш учун бораман, дердим. Бобом вафот этганига ўн йилдан ошди. Аммо бугун мен Ўзбекистоннинг асим Тошкентда туриб, халқаро конференцияда катнашганимдан бобомнинг руҳи шод бўлганига ишонаман.

Дунёнинг бир қанча мамлакатларида ўқиш имкониятига эга эдим. Аммо мен Ўзбекистонда

тахсил олишни афзал билдим.

Биз қўллаб афғонистонлик ёшлар Ўзбекистонга келиб ўқиш учун имтиҳон топширдик. Юртингизга келишдан олдин Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашувда у киши бизга ҳар биримиз нафақат талаба, балки Афғонистоннинг элчиси эканлигини таъкидлади. Биз икки давлат ўртасидаги риштани янада мустаҳкамлашга ҳисса қўлишимиз кераклигини юрагимиздан англаб турибмиз.

Марказдаги устозларимиз нихоятда талабчан. Дарсдан сўнг тўғаракларга боришимиз, кутубхонадан фойдаланишимиздан тортиб, ётоқхонада яшаш

шароитимиз ҳақида ҳам қайғуради, 24 соатлаб биз учун меҳнатини аяматган ўқитувчиларимиз ишончини оқлагша ваъда берамиз.

Юқори даражадаги халқаро Тошкент конференцияси ўтказилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини Имом Каримов халқаро минбарларда туриб, ер юзидаги давлатларни Афғонистон тинчлиги йўлида бириктиришга қўл бора давлат қилган эди. Мен буни бобомдан эшитганман. Бугун Президентини Шавкат Мирзиёев бу ишни янги босқичга олиб чиқмоқда. Афғонистон муаммоси фақат Афғонистонга тегишли, деган қараш нотўғри эканлини таъкидламоқда. У кишининг конференциядаги нутқида биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини «ўзимизники», бошқаларини эса «бировники», деб қабул қилмаслигимиз керак, бунга ҳаққимиз йўқ, деди. Демак, бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, бузғунчилик, жажолат ва разолатга қарши ҳамжиҳатликда курашишимиз керак.



Раъно ШЕРЗОД,
Афғонистон фуқароларини
ўқитиш таълим маркази
талабаси:

— Ўзбекистонга келишдан олдин Тошкент гўзал бир шаҳар эканлини эшитгандим. Ўзбекистоннинг айрим телеканаллари орқали ҳам кўриб турардик. Аммо Тошкент биз ўйлагандан анча обод ва кўркем шаҳар экан.

Термизга янги келган кунларимиз юрагимиздаги кўркўв бизни тарк этмади. Ҳатто кўқисдан бирор қаттиқроқ шовқинини эшитсак, ўзимизни панага олишга ҳаракат қилган ҳолатлар бўлди. Кейин бир-биримизга айтдик, ахир биз Афғонистонда эмасмизку. Ҳозир орзуимиздаги ҳаётда яшаймиз. Афғонистонда тушгача ўқиб, куннинг иккинчи ярмида уй ишларига қарашардик. Бўш вақтимизни асосан бекор ўтказар эдик. Сабаби, тўғаракларга қатнаш, маданий ҳордик олиш учун шароит йўқ. Ўзбекистонда ўқишни бошлашга, уйқусизликдан биров қийналдик. Лекин вақт ўтиб, ўқиш ва ўрганишнинг афзалликларини тушундик. Бугун йигирма тўрт соат тахсил олишга тайёрмиз. Бизга берилган икки йил

» Биз икки давлат ўртасидаги риштани янада мустаҳкамлашга ҳисса қўлишимиз кераклигини юрагимиздан англаб турибмиз.

МУНОСАБАТ

ТИНЧЛИК, ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

26-27 март кунлари пойтахтимизда «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ўтказилди. Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсий идоралари раҳбарлари, йирик халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, таълим ва илмий соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган олий даражадаги халқаро конференция дунёнинг кўплаб мамлакатларида катта қизиқиш билан кузатилди. Сиёсатшўнослар, халқаро экспертлар, олимлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу халқаро конференциянинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.



Абдуғаффор ҚИРФИЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:



Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Афғонистоннинг 40 йиллик тарихи мамлакатдаги муаммоларни қурол билан бартараф этиш мумкин эмаслигини тасдиқлаб турибди. Шунинг учун бугун мамлакатнинг марказий ҳукумати ва қуролли мухолифатнинг асосий кучлари, биринчи навбатда, «Толибон» ҳаракати ўртасида олинган ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқотни бошлаш гоята муҳимдир.

Шу билан бирга, мамлакатда тинчлик жараёнини таъминлаш учун Афғонистон халқи ўзи ташаббус кўрсатиши, музокаралар қандай форматда, қачон ва қаерда олиб борилиши бўйича таллаш имкониятидан самарали фойдаланиши лозим.

Афғонистоннинг келажагини белгилашда унда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзининг фикрини эркин баён этиш ҳуқуқидан фойдаланиши керак. Бу ҳуқуқ эса мамлакатда ўтказилиши кутилаётган парламент ва президентлик сайловларидаги фаол иштироки давомида амалга оширилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари халқаро конференциядаги нутқида ушбу масалалар ҳам алоҳида эътибор қаратиб, «Бу борада парламент ва президентлик сайловларига бўлган даврда

афғонлар ўртасида ўзаро мулоқотни бошлаш ва шу тариқа жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, мухолифатдаги кучлар ҳам янги Афғонистон давлатини қуришда тўлақонли иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратиш гоят муҳимдир», деб таъкидлади.

Шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизми ҳамда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан қўмак бериш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди.

Уруш, муҳтожлик ва қийинчиликлардан чарчаган одамлар ўзаро низолаarga чек қўйилишини чин дилдан истади. Афғонистонликларда ўз Ватанини тараққиёт ва фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатга интилиш иштиёқи кучли эканига шубҳа йўқ. Хар бир ота-она, ҳар бир халқ сингари афғон қўшилариимиз ҳам ўз фарзандларини бировдан кам қилмай тарбиялашга, уларнинг бахтиёр кунларини кўришга ҳақли. Оруз қилиш, юксак марраларга интилиш, эркин яшаш, янги, тинч ҳаётни барпо этиш учун уларда куч-ғайрат ҳам, матонат ҳам етарли, деб ҳисоблайман.

— Бугунги кунда дунёни ташвишга солаётган терроризм балосини жиловлаш жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг долзарб муаммага айланди. Сўнгги ўн йиллик давомида Ироқ ва Сурияда бўлиб ўтган қонли тўқнашувлар, дунёнинг бошқа ҳудудларида бот-бот такрорланаётган терактлар терроризмга қарши янада яқдил, янада ҳамжиҳатлик билан курашиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ён қўшимиз, жафокаш афғон халқи ҳам қарийб 40 йилдан буён ҳаловат ва осойишта ҳаётдан бебаҳра яшамокда. Мамлакатда турли гуруҳлар ўртасида юз бераётган қарама-қаршиликлар аҳолига, юрт тараққиётига, иқтисодий ҳаётга жиддий хавф солаётгани аниқ ҳақиқатдир. Афғон дёврида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш дунё ҳамжамиятидан ўзаро ҳамжиҳатлик ва мустаҳкам ҳамкорликни талаб этади. Шунинг учун олий даражадаги Тошкент халқаро конференциясининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Афғонистон Евроосиё минтақасидаги ноёб стратегик ва трансчегаравий имкониятларга эга мамлакат ҳисобланади. У Марказий Осиё давлатлариға Хинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўл орқали чиқиб, Хиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва бошқа минтақалар билан боғлаш имконини беради. Узоқ йиллардан бери давом этаётган беқарор вазият ушбу имкониятларга,

халқаро ҳамкорлик масалаларига ғов бўлиб келмоқда. Шу боис афғон дёврида тинчлик ўрнатилиши минтақадаги осойишталик ва тараққиётга хизмат қилади.

Шу маънода анжуманда мамлакатимиз Афғонистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада фаоллаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик, барқарорлик ўрнатилиши, унинг иқтисодий ва транспорт инфратузилмаси тикланишига қўмаклашиш тарафдори экани билдирилди.

Бу нуфузли форумда афғон муаммосини хал қилиш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилди. Унда иштирок этган давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллариининг фикр-мулоҳазалари ўзаро мос келди. Музокаралар давомида билдирилган тақлифлар асосида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Афғонистонда давом этаётган нотинчлик, йиллар мобайнида давом этаётган зиддиятлардан халқ зарар кўрмоқда, жабр чекмоқда. Мамлакатнинг бузғунчи кучлар томонидан эгаланган ҳудудларида вазият ўнглангани нафақат минтақа, балки бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эгалигини бугун ҳамма англаб етмоқда. Афғон ўлкасини «уруш олови»дан химоя қилишнинг ягона ва энг тўғри ечимини ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиб боришдан иборатдир.



Раимберхан САБУРОВ,
халқ депутатлари Хоразм
вилоят Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Қўшни Афғонистондаги таҳликали вазият, у ерда турли халқаро террорчи гуруҳларнинг кўним топилши афғон халқининг осуда ҳаёт кечиришига, давлат тараққиётига хавф солиши ўзбекистон халқини ҳам ташвишлантиради. Шунинг учун Республикаимиз Президенти ўз чиқишида ушбу таҳлика-ли вазиятни тинч йўл би-

лан бартараф этишга дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратади. Халқаро конференциядаги нутқ ва чиқишларини мамнуният билан, умид билан тингладим. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича илгари сурилган ўзбекистоннинг янги ташаббусларини афғон халқи ҳам зўр мамнуният билан маъқуллаганига ишонаман.

Таъкидланганидек, Афғонистонда тинчлик ўрнатишнинг ягона йўли — бу ҳеч қандай дастлабки шартларсиз марказий ҳукумат ва ички сиёсий кучлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш лозим.

Музокаралардан қўзланган асосий мақсад эса Афғонистон Ислон республикасининг минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашувини таъминлашдан иборат. Конференция иштирокчилари Афғонистонда тинчлик ҳўкм суриши тарафдори эканини билдирди. Минтақада жуда узоқ кутилган осойишталикка эришилади, деб ўйлайман.

Президентимиз тинчлик сари ҳаракатнинг энг

асосий шартин, аввало, минтақа ва глобал даражада келишилган, Афғонистон учун ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдан иборат, деган гояни илгари суриди. Афғон муаммосини тинч йўл билан хал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш, улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус — муроасага келиш борасида фикр билдирилди.

Афғонистондаги вазият ҳукумат ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизминини ишлаб чиқиш ҳамда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан қўмак бериш

бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишни тақазо этмоқда. Чунки мамлакатдаги низолар гоят мураккаб ва қарама-қарши хусусиятга эга бўлиб, уларга турли кучлар жалб этилган. Анжуманда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясидан келиб чиқиб, кенг қамровли тинчлик жараёнини учта ўзаро боғлиқ даражада амалга ошириш тақлиф этилди.

Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар бугунги реал ҳаётдан келиб чиқиб, белгиланаётгани билан аҳамиятли, деб ўйлайман.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

«Nosirlik yog'dusi» нашриёти иқтидорли журналист, ёзувчи Тоҳир Долиевнинг шу номдаги китобини босмадан чиқариб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилди. Унда муаллиф томонидан ўтган йиллар давомида яратилган энг сара ижод намуналари жамланган.

«ТЎРТ ФАСЛ»



ни ҳам қаламга олади:
Болажоним,
Бола — жоним.
Эркам ўзинг,
Эртам — ўзинг...

Адиб ижодидан Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ манзаралар алоҳида ўрин олган. Гарчанд орадан 70-80 йил ўтаётган бўлса-да, хотира муқаддаслиги ижодкор учун биринчи ўринда туради ва мавзу қайта-қайта янгиланаверади.

Бодом момо Исроил қизига бағишлаган «Садоқат» шеърида аллпдай ёрини урушга, ёвни маҳв этишга кузатган ўзбек аёли тасвирланади. Уруш тугайди, йиллар ўтади, лекин аёл ўзи жангга кузатган ёрини ҳамон сабр билан кутаётгани поэтик тарзда тасвирланади:

Кутаяпти, юрагида ҳазин ҳис,
Кутаяпти, юзларида ажин — из,
Кутаяпти, кучоғида ёлғиз қиз,
Видони билмагай севгиси...
Ижодкорнинг сўнгги йилларда ёзган янги шеърлари, тўрт фаслдан иборат турли жанрдаги асарлари ҳам мазкур китобдан ўрин олган бўлиб, болалар ва катталар учун бирдай ўқимишли, деб ўйлаймиз.

Собир КУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди,
ЎзХДП фахрийси.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан «Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш: миллий тажриба ва халқаро амалиёт» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Маълумки, ҳаётда бир фуқаронинг турли давлат органларига иши тушади. Бу жараёндаги узундан-узув навбатлар, асаббўзарликлар, сарсонгарчиликларга кўпчилигимиз гувоҳ бўлганмиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан халқнинг оғирини енгил қилиши, уларга «давлат — фуқаро» муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг янги концепцияси илгари сурилди.

Бунда асосий эътибор навбатда туришларни кескин қайтайтириш, сансалорликнинг олдини олиш, халқнинг давлат идораларидан рози бўлишига қаратилди. Бундан буён фарзанднинг дунёга келиши, болаларни мактабга таълим муассасаларига жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш каби юмушлар ҳам Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Бу нафақат сарф-харажатларни, балки инсон учун қимматли бўлган вақтни тежаш имконини ҳам яратади.

Давлат хизматлари марказлари — аҳолига барча хизматлар бир жойда кўрсатиладиган алоҳида, ўзига хос маскан бўлиши кутилапти.

Ҳозир республикаимиздаги давлат хизматлари марказларида аҳолига инновацион технологиялар ва замон талабларига мос равишда 37 турдаги хизматлар кўрсатилиб келинмоқда. Жорий йилнинг биринчи апрелидан уларнинг сони 50 тага етказилиши назарда тутилмоқда. Яна бери янгиларда давлат хизматлари юртимизнинг шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахсларга ҳам кўрсатилади.

Ўтган қисқа вақт ичида туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига жами 46 минг 380 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. Жумладан, дори воситалари чакана савдоси билан шуғулланиш учун рухсатнома, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тўғрисида, ипотека тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини лицензиялаш, электрон рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсат бериш ва бошқалар.

Давлат хизматлари марказлари

фаолиятини кенг омма орасида тарғиб қилиш, халқимизга улардан фойдаланишнинг афзалликларини тушунтириш, марказга мурожаат қилиш маданиятини шакллантириш мақсадида юртимизнинг барча аҳоли гажув ҳудудлари, бозорлар, савдо мажмуалари, шунингдек, реклама устунларига давлат хизматлари, уларнинг турлари ва фаолият механизми ёритилган плакат, баннер, буклет ва бошқа кўргазмали материаллар тарқатилди.

Шунингдек, Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар, ҳудудларга бириктирилган масъул ходимлар ва улар томонидан ўтказиладиган сайёр қабуллар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган «Адлия бурчаклари» стендлари маҳаллалар биносида жойлаштирилди.

Олис ҳудудларда яшовчи аҳолига зарур мобил давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ҳокимликлар ташаббуси билан Давлат хизматлари марказлари автомобиллар билан таъминланди.

Матбуот анжуманида агентликнинг истиқболдаги режалари хусусида ҳам ахборот берилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОСИ МИНБАРИ

Узун тумани:
муаммо кўп,
депутатлар
нега жим?..

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев Узун туманида бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашув ўтказди, муаммоларни ўрганди. Учрашувлар давомида 50 га яқин мурожаат ҳал этилган. Қолганлари бўйича назорат ўрнатилиб, таҳлил олиб борилмоқда.

— Туманда ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган масалалар ҳам оз эмас, — дейди депутат Турсунпўлат Норбоев. — Масалан, биргина мактабга таълим тизимида қатор вазифалар ижросини кутиб турибди. Ҳудуддаги 22 мактабга таълим муассасасидан 20 таси фаолият юритяпти. Уларнинг 7 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. 9 муассаса ичимлик суви билан таъминланмаган. Аксариятининг моддий-техник базаси талабга жавоб берамайди. Айримларида ошхона жихозлари етишмайди, озик-овқат маҳсулотларини саклаш шароити яхши эмас.

Фаолият юритаётган мактабга таълим муассасаларининг умумий қуввати 2215 ўринли бўлиб, 2255 нафар бола тарбияланмоқда. Аслида ҳудудда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар сони 14137 нафарни ташкил этади. Демак, болаларнинг 16 фоизи боғчаларга қамраб олинган.

Тахлилларга кўра, тумандаги мактабга таълим ёшидаги болаларни тўлиқ қамраб олиш учун 40 га яқин боғчага эҳтиёж бор.

Умумий ўрта таълим, аҳоли бандлиги ва коммунал соҳалардаги муаммолар ҳам изчил чоралар кўришни талаб қилади. Хусусан, туман бандликка қўмаклашиш маркази ва секторлар ўртасида маълумот алмашиш тизими равишда ташкил қилинмаган. Иш билан таъминланмаган коллеж битирувчилари, жазодан озод қилинган шахслар ва қуролли кучлардан захирага бўшатишдан фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бандлик дастури амалда ташкил этилган иш ўринлари билан мувофиқлаштириб боришмоқда.

Ҳўш, бу камчилик ва муаммоларга халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари қандай муносабатда бўлган, деган табиий савол туғилади.

Туман Кенгашидаги доимий комитетлар томонидан ўтган йил давомида қатор масалалар сессияга киритилган. Лекин аксарият ҳолларда белгиланган тартибга риоя этилмаган. Сессияга киритилаётган масала чуқур ўрганилмаган. Ачинарлиси, сессия қарорлари ижроси бўйича мониторинг юритилмаган. Яна ўша гап: ишлар қучон тўлдирилган, ҳисобот ёзиш уқиб олиб боришган.

Депутатлик сўрови институтидан ҳам самарали фойдаланилмаган. Депутатлик сўрови чиқарилган бўлса-да, уларнинг ижроси эътибордан четда қилиб кетган. Давлат идораларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровларга қонунчиликда белгиланган муддатларда жавоб берилмаган.

Бунга сабаб депутатларнинг ўзида масъулият, талабчанлик етишмайди. Айрим партия гуруҳимиз аъзолари кўп ҳолларда сессияларда иштирок этмайди. Хатто 3 йил давомида бирор марта ҳам депутатлик сўровини юбормоганлар, сессия муҳокамасига масала киритиш ташаббуси билан чиқмаганлар ҳам бор. Савол туғилади: сайлов ўтганидан буён депутатлар нима билан банд? Улар қандай қилиб депутат бўлган эдинг, деган саволга эртага нима деб жавоб беради?..

Зилола АНВАРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«УРГАНЧ ШАРОБ»

акциядорлик жамияти жамоаси

ватандошларимизни

Наврўзи олам

билан қутлайди!



«УРГАНЧ ТРАНСГАЗ»

унитар корхонаси жамоаси

юртдошларимизни

Наврўз байрами

билан самимий

муборакбод этади!



«ШҲҲҲҲ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни Наврўз айёми
билан табриклайди.

*Ваҳор, ғўғонит, ятарит ва янгиламит
ҳамда бунёдкорлик кайфияти
ҳамини ҳамоҳунгиз бўлсин!*

«КОНТИНЕНТ — Н ЁҒ-МОЙ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси


юртдошларимизни баҳор айёми —

Наврўзи олам билан қутлайди.

Меҳр-оқибат, эзгулик, янгиланиш байрами

барчамизга қутлуғ бўлсин!

ЭЪЛОН



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»-ги 505-сонли қарорига асосан меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, чет элда ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш, ҳукумат қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат му-

носабатлари вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юклатилган. Ҳозирги кунда Агентлик чет элларнинг ваколатли идоралари билан шартнома ва келишувлар имзолаб, фуқароларни чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишни ташкиллаштириб келмоқда.

Шу билан бирга, хорижий иш берувчиларнинг номзодларни комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги талабларини ҳал этиш, ҳукумат қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат му-

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги фуқароларни комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган Тошкент шаҳрида жойлашган тиббий муассасалар учун танлов эълон қилади.

Тиббий кўрик турлари:

1. Хирург
2. Терапевт
3. Уролог/Гинеколог
4. Окулист (кўз босими, рангли кўриш, кўриш ўткирлиги)
5. Қоннинг умумий таҳлили (гематокрит)
6. Сийдикнинг умумий таҳлили (қанд, оқсил)
7. RW (TPHA)
8. HBS антиген
9. Флюорография (Проскан)
10. Невропатолог
11. ЛОР
12. Биохимия (AST, ALT, холестерин).

Мурожаат учун манзил: Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй.
Тел: (0371) 202-59-75, (+99899) 865-80-09.

a.ergashev@migration.uz

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.

Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: **Safar OSTONOV**

ТАХРИР ХАҲАТИ:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14262 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:45.

Topshirilgan vaqti — 00:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga utish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5